

1-мақсад. Барча жойларда аҳолининг кам таъминланганлик даражасини пасайтириш.

2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар стратегияси асосий йўналишларидан ҳисобланган ижтимоий соҳани ривожлантиришга йўналтирилган аҳоли бандлиги ва реал даромадларини изчил ошириб бориш, ижтимоий ҳимоя ва соғлиқни сақлаш тизимини такомиллаштириш, хотин-қизларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш, таълим, маданият, илм-фан, адабиёт, санъат ва спорт соҳаларини ривожлантириш, ёшларга оид давлат сиёсатини такомиллаштириш бўйича бир қатор амалий ишлар қилинмоқда.

Жумладан, вояга етмаган болалари бўлган ҳамда кам таъминланган оилаларга манзилли тарзда ижтимоий ёрдамни кучайтириш, республика аҳолисининг реал даромадлари ва фаровонлиги барқарор ўсиши шароитларида аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш мақсадида:

нафақалар ва моддий ёрдамнинг барча турлари учун оила муҳтожлигини аниқлашнинг ягона мезони жорий этилди ҳамда ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдамни тайинлашда жами даромадни ҳисоблаб чиқиш тартиби соддалаштирилди;

ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш тартиби бирхиллаштирилди;

ижтимоий нафақалар ва кам таъминланган оилаларга моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тўғрисидаги масалаларни ҳал этиш учун фуқаролар йиғинлари томонидан ваколат берилган комиссияларнинг ҳамда ажратиладиган бюджет маблағларидан аниқ тарзда ва мақсадли фойдаланишни таъминлаш бўйича фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш ҳамда бандликка кўмаклашиш марказлари ходимларининг масъулияти кучайтирилди.

Бундан ташқари, фуқароларнинг пенсия таъминоти соҳасида қатор ўзгаришлар рўй берди. Биринчи навбатда, пенсия тўловининг юқори чегараси базавий ҳисоблаш миқдорининг 8 баробаридан 10 баробарига оширилди. Бундан ташқари, ишлаётган пенсионерларга пенсиялар 100 фоиз тўланишга ўтилди. Бунгача эса аксарият ишловчи пенсионерлар тайинланган пенсиясининг 50%ини олар эдилар.


Шунингдек, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини рағбатлантириш мақсадида 2019 йил 1 сентябрдан бошлаб:

II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахсларнинг ногиронлик пенсиялари энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизига оширилди;

II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахслар – пенсионерларнинг пенсияларига устама миқдори базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилди;


I гуруҳ ногиронлик нафақаси, шунингдек, 16 ёшдан катта болалиқдан I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчиларга ҳар ойда базавий ҳисоблаш миқдорининг 25 фоизи миқдорида қўшимча тўлов жорий этилди;

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламлари миқдорини пасайтиришда аҳоли даромадларининг ортиши муҳим роль ўйнайди. Аҳолининг даромадлари бўйича 10 та гуруҳга бўлиб таҳлил қилинганда, унинг 10 фоизга тенг бўлган энг юқори даромадли қатламга нисбатан энг паст даромадли 10 фоиз қисми солиштирилганида, 2013 йилда 7,9 дан 2018 йилда 6,1 га пасайганлиги аҳолининг энг паст қатлами даромадлари энг юқори қатлам даромадларига яқинлашаётганидан далолат бермоқда.




Аҳолининг реал умумий даромадлари 2018 йилда 2013 йилга нисбатан 1,4 мартага ўсган. Шу билан бирга, 2019 йил 1 январдан бошлаб жисмоний шахслардан олинadиган даромад солиғи ставкаси 12%гача туширилгани аҳоли даромадларини ўз ихтиёрида қолдирилишига замин яратди.

Кам таъминланганлик даражаси



Кам таъминланганлик даражасини камайтириш бўйича олиб борилаётган ислохотлар натижасида Республика бўйича кам таъминланганлик даражаси 2010 йилдаги 17,7 фоиз ўрнига 2018 йилда 11,4 фоизга тушди, бу кўрсаткич шаҳарларда 13,4 фоиздан 8,4 фоизга, қишлоқ жойларида 20,1 фоиздан 14,3 фоизга туширилишига эришилди.

Қулай уй-жой шароитида яшовчи аҳолининг улуши, %да



Шу билан бирга, сўнгги йилларда янгиланган намунавий лойиҳалар асосида арзон уй-жойлар қуриш ҳисобига қишлоқ аҳолисини уй-жой билан таъминлаш бўйича кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Натижада аҳолининг яшаш шароитини яхшилаш бўйича қулай уй-жой шароитида яшовчи аҳоли улуши 2010 йилдаги 9,2 фоиздан 2018 йилда 57,1 фоизга етказилди.